

## ЁШЛАРНИНГ КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Тошкент тиббиёт академияси  
Худоёрова Ойсоат Келдиёрова*

*Педиатрия факультети  
Пайзиева Нилуфар Хаётжоновна*

*201-А гуруҳ талабаси*

*Тиббий профилактика ва жамоат саломатлиги,  
экология атроф мухит муҳофазаси ва кимё факультети*

*Сайтмуратов Нодиржон Боймурот ўғли*

*402-А гуруҳ талабаси*

*“Китоб-беминнат устоз билим ва маънавий  
Юксалишига эришишининг энг асосий манбаи”  
Алишер Навоий*

**Аннотация:** Инсоннинг маънавий, маърифий, ақлий билимга эга бўлишида китобнинг ўрни ва аҳамияти ифода этилган. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳамда жамиятнинг ривожланишидаги таъсири кўрсатилган. Ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалишишнинг энг муҳим йўллари ва йўналишлари юзасидан илмий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Китоб ва китобхонлик, гоявий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий қарашлар, эзгулик, гўзаллик, юксак дунёқарааш, китобни севиш, руҳият, қалб чироғи, комил инсон.

Китобхонлик-инсон маънавиятигининг кўзгусидир. Китоб-ёшларнинг гоявий-мафкуравий тарбиялаш ва ижтимоий-сиёсий, илмий, эстетик қарашларини шакллантиришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Ёшлар баҳту камоли, осойишта ва фаровон ҳаётида китобнинг алоҳида ўрни бор. Чунки яхши китоб инсоннинг Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан яхшилиқ, эзгулик ва ҳурмат туйғусини тарбиялади.

Китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ. Инсон Ватанини чин дилдан севишдан, ватанпарварликдан куч олади. Шу боисдан Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ҳар қандай давлат сиёсатининг асосини ватанпарварлик тарбияси ташкил этади. Ватанпарварликнинг харакатлантирувчи кучи эса одамларнинг маънавий дунёси, интеллектуал салоҳияти, китоб мутолааси

уларнинг ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутиши билан ўлчанади”1. 1.Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. Рисола Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи Тошкент – 2017. 17-бет. Шунинг учун ҳам президентимиз китоб мутолаасини ривожлантириш масаласини давлат сиёсати даражасига кўттардилар.

Зеро, китоб ва китобхонлик инсон учун қалб чироғи, тафаккур қаноти бўлиб хизмат қиласди. Китоб руҳият озуқаси, у билан дўстлашиш инсонни эзгуликка етаклайди. Китоб қалбга нур беради. Қалби гўзал инсоннинг кўзи равshan бўлиб, олами ўз шахсий қарашлари билан кўради. Атроф-муҳитда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга онгли ёндашади. Тўғри йўл билан баҳтини топади.

Доно ҳалқимиз таъкидлаганидек, она табиатни офтоб иситса, инсон қалбини китоб ёритади ва нурлантиради. Дарҳақиқат, китоб ёшларнинг дунёқарашини бойитади, нутқини ўстиради, хотирани мустаҳкамлади.

Китоб маслаҳатчи. Садоқатли ҳамроҳ, энг яқин дўст ва бебаҳо бойлиkdir. Ўзбек оилаларида китобга муҳаббат, китобни асраб-авайлаш ва китобхонлик қадими анъаналаримиздан биридир.

Ёшларнинг китобни севиб ўқиши учун уларнинг уйларида китоблари қўп бўлиши керак. Ёшларимиз болалигиданоқ китоб ўқишни одат қилсалар, кейинчалик китобга қизиқиши ошади. Психологик текширувлар шуни кўрсатадики, ёшларнинг сўз бойлигини оширилиши, китобга меҳри кучайиб, муомаласининг чиройли бўлиши уларнинг қўп китоб ўқиганлиги билан белгиланади. Баркамол авлодни вояга етказиша китобнинг тарбиявий аҳамияти бекиёс. Ҳозирги пайтда китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди

Зеро. маърифатли,маънавий бой ва билимли инсонларгина юртни обод этадилар. Жамиятни,маънавий муҳитни яхши ва фойдали китобсиз,китобхон ва кутубхонасиз тасаввур этиб бўлмайди. Амир Темур бобомиз таъкидлаганидек китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик, ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

Китобни ўқиб завқланиш орқали ҳаёт маъносини теран англаш, инсоннинг моҳияти ва вазифасини қўпроқ тушуниб етиш мумкин. Китобнинг бизга ўргатадиган энг улкан сабоғи-тўғри сўзлиkdir. Китоб –инсонни мўъжизага чорлайди. Бу йўналишда кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми хусусан, “Китобхонлар коференцияси”, “Мавзули кечаси”, “Билимдонлар беллашуви”, “Шерхонлик кечаси” ҳамда ”Китоб ақл чироғи” мавзусидаги китоб кўргазмасини ташкил этилишига жиддий эътибор бериш орқали инсон билиши шарт бўлган мўжизалар,тариҳнинг минг йиллик ҳикматлари намоён бўлади. Бундан ташқари, «Йилнинг энг яхши китоби», «Энг яхши китобхон оила»,

«Йилнинг энг яхши болалар китоби», «Йилнинг энг яхши аудио китоби», «Йилнинг энг яхши электрон китоби» каби танловлар ўтказиш, китоб байрамларини уюштириш орқали ёшларнинг китобга бўлган муҳаббатини ошириш мумкин.

Китоблар умрбоқийлик хусусиятига эга бўлиб, улар инсон тафаккурининг энг мангуликка дахлдор маҳсулидир. Шу ўринда айтиш лозимки, китоб- ҳар бир инсоннинг фикрлаш қуроли, тафаккур ва билим манбаи эканлигини онгли англаб этиш зарур. Бу бебаҳо- маънавий бойлиқдан баҳраманд бўлиш ўрнига “Интернет кафе”ларда вақтини беҳуда ўтказаётган ёшлар учраб туради. ”Бобурнома”, ”Ўтган кунлар”, ”Мехробдан чаён” каби кўплаб бебаҳо асарларни ўқиш ўрнига улар интернетни китобдан афзал билишадиларки, бу китобга бўлган меҳрни камайишига олиб келади. Аксинча, китобни кўп ўқиш орқали инсон тушунчалари кенгайиб бораверади. Зоро, тушунча, тафаккури, фикр доираси кенг маърифатли кишилар жамиятимизнинг чинакам бойлигидир. Шуни унутмаслик керак, ҳаётдаги айрим рўй берадиган нохушликларнинг илдизи эса маърифатсизлик, китоб ўқимаслиқдан келиб чиқади. Маънавий бойлиқ инсонда китоб ўқиш орқали намоён бўлади. Инсониятнинг ақлий ва фикрий дурдоналарини ўзида мужассамлантирган одоб ва ахлоқ манбаи бўлган китобларни севиб ўқиш севимли машғулот ҳисобланади. Инсоннинг ақлий салоҳиятини юксалишида китобнинг ўрни ва таъсири беқиёсdir. Китоб ўқиган инсон кенг дунёқараши, фикр-мулоҳаза юритиши, билим савияси, муомала маданияти билан алоҳида ажралиб туради.

Юртимизда ёшларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Чунки, миллатимиз шаънини, миллий ғуруримизни юксалтирувчи бу-ёшлар. Улар ўз мақсадлари сари интилиб, юксак маънавият соҳибига айланадилар. Тўқлиқка шўхлик эса ўзбек миллатининг ёшларига хос фазилат эмас. Қалбимиз гавҳари, хазинаси бўлган китоб энг бебаҳо бойлигимиз бўлсин. Шундагина фарзандлармиз теран фикрлайдиган, меҳрибон, Ватанига содик, инсофли, диёнатли инсонлар бўлиб камол топадилар.

Ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришда қуйидаги жиҳатларга жиддий эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Узлуксиз таълим тизимида китобни энг катта бойлиқ сифатида қадрлаб, китобхонлик, ғазалхонликлар ўтказишини самарали амалга оширишга эришиш.
2. Китоб совға қилиш анъанасини кенг жорий этиш орқали уни доимий одатга айлантириш.
3. Маънавият хазинаси ҳисобланган кутубхонадан кўпроқ фойдаланиш орқали ўзи ва ўзгалар ҳаётини бойитишга эришиш, жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган аждодларимиз эришган ютуқлардан баҳраманд бўлиш.

4. Миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб этишга алоҳида ёътибор бериш.

5. Жамиятнинг интеллектуал, маънавий ва маданий эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берадиган китоб бозорини янада кенгайтириш.

6. Ёшларни китоб мутолаасига жалб этишда ижтимоий рекламалардан самарали фойдаланиш.

7. Кутубхона ресурсларидан масофавий фойдаланишни яхши йўлга қўйиш, оммавий китобхонликни тизимли ташкил этиш, ҳар бир хонадон жавонларидаги мавжуд бадиий, илмий ўқув, энциклопедик, оммабоп китоблардан самарали фойдаланиш орқали ёшларнинг мутолаа маданиятини тарбиялаш.

**Хулоса** шуки, китоблар улуғлика элтувчи йўлдир. Бутун инсониятни зулмат, жаҳолат, залолатдан фақат илму маърифатгина халос эта олиши барчага маълум. Илму маърифат китоб ўқиши, илм олиш билангина бўлади. Илм инсониятни турли ахлоқсизликлар, ёмон йўл ва амаллардан қайтаради.

Кўп китоб ўқиган, илмга чанқоқ бўлган инсоннинг тафаккур доираси ҳам бошқаларницидан ажралиб туради. У оламни, ҳаёт ҳақиқатини, яхши-ёмонни аниқ англайди. Қайси амали фойдали ва қайси иши нотўғри экани тушунади. Китобхон бўлган инсон нафақат ўзини, балки теварак-атрофдагиларни ҳам китобнинг сирли олами томон чорлайди ва бунда китоб ўқишига бўлган хоҳиш ортиб бораверади .

Китоб ўқиши, илм олиш - бу қалбнинг озуқасидир.. Шу жиҳатдан китобдан фойдаланиш уни янада кўпроқ мутолаа қилишга нима тўсқинлик қилса, уни албатта бартараф этишимиз керак. Нима бўлганда ҳам, бугун китоб ўқимасликка ҳеч қандай баҳона йўқ. Бунга фақат хоҳиш, истак бўлса бас. Китоб ва китобхонлик – инсон маънавияти кўзгуси. Халқимиз тилида китоб ўқиб билим ва муносиб тарбия олиш, касб-хунар ўрганишнинг аҳамиятига доир мақоллар жуда кўп. Жумладан, “Китобсиз ақл – қанотсиз қуш”, “Билим – ақл чироғи”, “Гўзаллик – илму маърифатда”. Бундай ҳикматли нақлларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Неча минг йиллардан буён инсонларга тўғри йўлни кўрсатиб келаётган, уларнинг билимли, тарбияли, касб-хунарли ва албатта баҳтли бўлишининг мухим омили – бу китобга дўст бўлиш, ва китоб ўқишини канда қилмасликдир. Айниқса, ёшларнинг ҳаётида китобнинг алоҳида ўрни бор. Чунки яхши китоб инсонда Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат туйғуларини юксалтириб, яхшилик ҳамда эзгуликка ундейди. Шу сабаб ҳар доим ёшларнинг тафаккур чанқогини китоб орқали тўйинтириб боришимиз керак.

Китоб, у қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, бу аввало кундалик маънавий эҳтиёжни қондирувчи воситага айланиши зарур. Шунингдек, китоб ўқиш илм олишнинг бир бутунлигини таъминлайди. Илм – инсоннинг ўқиш, ўрганиш ва шахсий ҳаётидаги тажрибалар, кузатишлиар натижасида шаклланган билим ва малакалар мажмуидир.

Инсон камолотидаги илм эгаллаш қобилияти, унинг улкан фазилатларидан бири ҳисобланади. Чунки, инсон билим билан шон-шарафга эришади – шухрат қозонади. Энг муҳими илм-фан, техника, технология ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқлар билан таништириш асосида ёшларнинг ижодий, эркин, мустақил фикрлаш кўникмалари ҳосил қилинади. Ана шунда ақлли, билимли, ижодкор, қобилиятли, доно, камтар, инсонпарвар, адолатли, соглом бўлган комил инсонни тарбиялашга эришиш мумкин бўлади. Китоб-илм ва ҳикмат манбаи, билим булоғидир. Бу булоқдан баҳра олмаган инсон жоҳилликка юз тутиши, инсонийликни, виждонини арзимаган нарсага сотиб юбориши мумкин. Аммо китоб ўқиган инсон бундай қабиҳликларга қўл урмаслиги аниқ. Амир Темур бобомиз айтганлариdek: “Китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл идрокнинг илму-денишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир”. Аждодларимиз илм ўрганиш, китоб ўқишига ҳамиша энг муҳим вазифа сифатида қараб келишган. Ота-боболаримиз илм ўрганиш, китоб ёзиш ва ўқиши борасида бутун тарих давомида бошқаларга ўрнак бўлишган. Тарихдан бизга маълумки, илгари Яссавий, Бедил, Фузулий, Махтумқули, Машраб ғазалларини ёд билмаслик ор саналган. Ўтмишда хориждан юртимизга саёҳат ёки тижорат ниятида келган машҳур шахслар бу ердаги кутубхоналар ва китоб дўконларининг кўплиги ва китобларнинг хилма-хиллигини кўриб хайратланганлар. Фарзандларимизни китоб ўқишига ўргатиш билан бирга ўзимиз ота-оналар ҳам китобга ошно бўлишни унутмаслигимиз керак. Тўй маросимларга қимматбаҳо кийим-у анжомларга катта-катта маблағларни аямай сарфлаймизу, фарзанд тарбияси учун зарур бўлган китобни олишни ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз? Баркамол авлодларни ўстириб вояга етказиш, келажакда фаровон турмуш қуришни орзу қилиб интилиб яшаётган ҳар қандай жамият, шу жумладан ўзбек халқининг ҳам азалий орзусидир. Шу ўрнида Абдураҳмон Жомий ҳазратларининг қуидаги мисраларини ёдга олиш ўринлидир:

Китобдан яхши дўст йўқ жаҳонда,  
Ғамхўринг бўлгай у ғамли замонда.  
У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор,  
Жонингга юз роҳат беради тақрор.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. Рисола Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи Тошкент – 2017. 17-бет.
2. Навоий, А. "Китоб- беминнат устоз билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбай".
3. Ғулом, Ғ. (2017). "Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари".
4. Мирзиёев, Ш. (нашр йили кўрсатилмаган). Ватанпарварлик ва китобхонликнинг аҳамияти борасидаги сайлов чиқишлари ва нутқлар.
5. Темур, А. (нашр йили кўрсатилмаган). Китобларнинг тарбия ва ривожланишдаги аҳамияти тўғрисидаги фикрлар.
6. Китобхонлик маданияти ва ёшларни китоб орқали тарбиялаш мавзусидаги турли фан мақолалари ва тадқиқотлари.